

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**



**“ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА БАНК ВА
МОЛИЯ ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ”**

МАВЗУСИДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

10 ИЮНЬ 2022 ЙИЛ



ТОШКЕНТ- 2022

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“БАНК ИШИ” КАФЕДРАСИ

**“ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА БАНК ВА МОЛИЯ
ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
МАСАЛАЛАРИ”**

**халқаро илмий-амалий анжуман материаллари
тўплами**

10-июн 2022-йил

**“ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ УСТОЙЧИВОСТИ
БАНКОВСКОЙ И ФИНАНСОВОЙ СИСТЕМЫ В
УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ”**

**материалы международной научно-
практической конференции**

10 июня 2022 год

**“ISSUES OF ENSURING SUSTAINABILITY OF THE
BANKING AND FINANCIAL SYSTEMS IN THE
CONTEXT OF GLOBALIZATION”**

**materials of the international scientific and
practical conference**

10th of June 2022 year

Tashkent 2022

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
БАНК ИШИ КАФЕДРАСИ

УЎК: 336.7(575.1)
КБК: 65.26(50')

Такризчилар: **и.ф.д., проф. Ш.З.Абдуллаева,**
 и.ф.н., доц. И.Х.Рахманов

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 мартдаги 101-Ғ-сонли фармойишининг ижросини таъминлаш бўйича **“Глобаллашув шароитида банк ва молия тизими барқарорлигини таъминлаш масалалари”** мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами–Т.: ТМИ., 2022. –854 б.

и.ф.д., проф. Т.З.Тешабасевнинг умумий раҳбарлиги остида

Таҳрир хайъати аъзолари: проф.С.Мехмонов, А.Исламқулов, проф.А.Омонов, доц.У.Абдуллаев, доц.Ф.Холмаматов, доц. И.Жўраев, PhD Х.Тиллаев, А.Рахматов, Б.Максудов.

Мазкур илмий маъруза тезислари тўпламида мамлакатимиз ҳамда хорижий иқтисодчи олимлар, тажрибали амалиётчилар, олий ўқув юр்தларининг профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқот институтлари ва марказларининг етакчи илмий ходимлари, таянч докторант ва мустақил изланувчи ҳамда магистрларнинг илмий тадқиқот иши натижалари мужассамлашган.

Ушбу нашрда келтирилган барча маълумотлар ва фикр-мулоҳазалар муаллифларга тегишли бўлиб, таҳрир хайъати аъзоларининг фикрига мос келмаслиги мумкин. Нашрда келтирилган рақамлар, статистик маълумотлар, фикр-мулоҳазалар учун муаллифлар масъул ҳисобланади.

УЎК: 336.7(575.1)
КБК: 65.26(50')



ПЛЕНАР ЙИГИЛИШИ

**Тошкент молия институтини ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Тўлқин Закирович Тешабаевнинг
КИРИШ СЎЗИ**

**Ассалому алайкум,
Ҳурматли Конференция иштирокчилари!
Азиз Устозлар ва мухтарам меҳмонлар!**

Дунё мамлакатлари иқтисодиётида рўй бераётган глобаллашув жараёнлари банк ва молия тизими барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатиш билан бир қаторда, ўзида турли хил риск, хавф-хатарлар, халқаро молия бозорларининг нобарқарорлиги, мамлакатлар валюта захиралари ва валюта операциялари диверсификация даражасининг пастлиги ҳамда банклар хизматлари оммабоплигини оширишни намоён қилмоқда.

Республикада банк ва молия тизими барқарорлигини таъминлашда миллий манфаатларга тўлиқ мос келадиган алоҳида ёндашувларни жорий қилиш, банк секторини трансформация қилиш ва унда давлат улушини камайтириш, банк тизимига хорижий капитални жалб қилиш ҳамда банклар томонидан хизматлар кўрсатишда замонавий усулларни жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармонида банк тизимини ривожлантиришдаги қийинчиликлар ва муаммолар каторида:

- йирик тижорат банкларининг тармоқдаги замонавий талабларга мувофиқ трансформация жараёнларида ортда қолиши, корпоратив бошқарув стандартлари, ахборот технологиялари маҳсулотлари, активлар ва пасивларни бошқариш, миқдорлар билан алоқа қилиш бўйича замонавий усулларни амалиётга жорий қилишда кечикиши;

- давлат иштирокидаги банкларнинг устувор дастурлар, секторлар ва давлат улушига эга корхоналарга бозор ставкаларидан паст ставкаларда кредитлар берувчи анъанавий «ривожлантириш банклари» вазифасини қисман бажариши;

- активлар ва пасивлар долларлашувининг юкори даражаси мавжудлиги, кредитлар ва депозитларнинг йирик компаниялар ва иқтисодиётнинг алоҳида секторларида жамланиши банкларни валюта ва кредит хатарларига, шунингдек, ликвидлик хавфига дучор қилиши;



- банклар бизнес-моделларининг корпоратив мижозларга хизмат кўрсатишга йўналтирилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Шунингдек, мазкур фармонда банк тизимининг самарадорлигини ошириш, унинг молиявий баркарорлигини таъминлаш, банк секторида давлат улушини камайтириш, молиявий хизматларнинг оммабоплиги ва сифатини ошириш ҳамда халқаро рейтингларда Ўзбекистон банк тизимининг мавқеини ошириш юзасидан бир катор вазифалар ва чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Таҳлилларга қарайдиган бўлсак, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот (кейинги ўринларда ЯИМ) ҳажми 01.01.2022 йилда 01.01.2021 йилга нисбатан 18,0 фоизга ошган бўлса-да, банк активларининг ЯИМга нисбати 0,2 фоизга ва кредит қўйилмаларининг ЯИМга нисбати эса, 1,6 фоизга пасайган. Шунингдек, банк капиталининг ЯИМга нисбати ўзгаришсиз қолиб, 9,7 фоизни ташкил этган.

Банк депозитларининг ЯИМга нисбати 2,2 фоизга ошган бўлса-да, банклар мажбуриятларини ошириб, чексиз кредит бера олмайди. Бунда банклар баркарорлигини таъминлаб, уларнинг риск аппетитини жиловлаб турувчи Марказий банкнинг капитал етарлилиги нормативи мавжуддир.

Ўзбекистон банк тизими бўйича капитал етарлилиги кўрсаткичи 01.01.2020 йилда 23,5 фоизни, 01.01.2021 йилда 18,4 фоизни ва 01.01.2022 йилда 17,5 фоизни ташкил этган. 01.01.2022 йилда банк тизими бўйича капитал етарлилиги кўрсаткичи 01.01.2020 йилга нисбатан 6,0 фоизга пасайган.

Шунингдек, банкларнинг расмий сайтидаги маълумотларга таянадиган бўлсак, 2021 йил 1 январь ҳолатига республикадаги 7 та банк (Турон банк, Азия Алианс банк, Халк банки, Микрокредитбанк, Капитал банк, Савдогар банк ва Универсалбанк)нинг капитал етарлилиги кўрсаткичлари хавфли зонадан (меъёр - 13%) атиги 1-2% поғона юқорида қолган.

Агар банклар регулятив капиталини оширмасалар, улардан агрессив кредитлашни кутиш қийин бўлади.

Яна бир ҳолат, юқоридаги банклар орасида Микрокредитбанк ва Халк банкининг рискка тортилган активлари, хусусан кредит портфели 2020 йилда мос равишда 79 фоиз ва 51 фоизга кескин ошган бўлиб, бу ўз навбатида ушбу банкларнинг капитал етарлилиги кўрсаткичини 9,1 ва 10,3 фоиз бирликка кескин камайишига олиб келган.

Умуман олганда, 2021 йилда тижорат банкларнинг 13 тасида капитал етарлилиги кўрсаткичида ўсиш кузатилган бўлса, қолган 19 тасида пасайиш юз берган ёки ўзгаришсиз қолган.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, 2021 йил якунлари бўйича Bloomberg томонидан дунёнинг энг ёмон банки маълум қилинди - бу Хитойнинг Minsheng Banking Corp банкидир. Банкнинг акциялари қиймати



сўнги 12 ой давомида 31% га тушиб кетган. Бу Bloomberg World Banks индексидаги энг салбий кўрсаткичдир.

Бунга банк томонидан юқори риск билан қурилиш компанияларга \$20 млрд миқдорида ажратилган кредитлар сабаб бўлган.

2021 йилда Ўзбекистоннинг 26 та тижорат банкига «Мудис», «Стандарт энд Пурс», «Фитч Рейтингс» (25 та банкка) ва «Эксперт РА» (Эрон Содерот банкка) каби халқаро рейтинг агентликлари томонидан **«Барқарор»** рейтинг баҳолари берилган.

Ўзбекистон тижорат банклари учун ўтган 2021 йил сермахсул йил бўлди дейиш қийин. Буни соф фойда ва рентабеллик кўрсаткичларидан ҳам кўриш мумкин. 2020 йилда банк тизими йилни 5,6 трлн.сўм соф фойда билан якунлаган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 3,9 трлн. сўмни ташкил этди.

2021 йил тижорат банклари учун синовли йил бўлди, пандемия оқибатларида йил ўртасига келиб муаммоли кредитларнинг жами кредит портфелидаги улуши 6,2%гача кўтарилиб, йил якунига 5,2%гача камайтиришга эришилди.

Шу билан бирга, кредит ва лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар учун шакллантирилган заҳиралар рекорд даражада ошган ва 12,2 трлн.сўмга етган (2020 йилда 6,3 трлн сўм бўлган).

Шунга қарамасдан, 2021 йилда тижорат банклари кредит ва депозит бозорида анча фаол бўлишди ва асосий кўрсаткичлар барчаси 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада ошди.

Шу нуқтаи назардан, Тошкент молия институти, Урал Давлат иқтисодиёт университети (Россия), Полоцк давлат университети (Белоруссия), Байнери университетлари (Малайзия) билан ҳамкорликда ташкил этилган **“Глобаллашув шаронтида банк ва молия тизими барқарорлигини таъминлаш масалалари”** мавзусидаги халқаро конференция долзарб аҳамият касб этади.

Халқаро конференциянинг пленар ва шўъба йиғилишларида муҳокама этиладиган мавзулар ва улардан келиб чиқиб билдирилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон банк ва молия тизими барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади деган умиддамиз.

Анжуманда иштирок этаётган барча маърузачилар, хорижий меҳмонлар, маҳаллий олимлар, профессор-ўқитувчилар, амалиётчи мутахассислар ва тадқиқотчиларга муваффақият тилаган ҳолда бугунги халқаро илмий-амалий конференцияни очик, деб эълон қиламан.

Эътиборларингиз учун раҳмат!



йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди. Маълумотлар қўплиги ва тизимлилиги ёлгон ва қингир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз. Натижада “ифлос пулларни” ювиш, маблағларни ўғирлаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ё яшириб кўрсатиш имкони қолмайди. Бу эса иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ва тўғри тўланади, бюджет тақсимооти очиқ бўлади, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар ўғирланмайди, мактаблар, касалхоналар, йўлларга ажратилган пуллар тўлиқ етиб боради ва ҳоказо. Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради. “Рақамли технологиялар” томон бурилишга бутун жаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди.”

Таъкидлаш жоизки, бүгунги кунда фойдаланувчилар озиқ-овқат маҳсулотларига буюртма бериш учун Телеграм ботларидан фаол фойдаланмоқдалар. Шунингдек, турли интернет дўконлар, электрон тўлов тизимлари ҳам фаол ривожланиб бормоқда. Демак, фуқароларимиз электрон битимларни амалга оширишга ишонаптилар. Фақат ҳозирги кунгача фойдаланувчилар катта харажатлар талаб қилмайдиган кичик битимларни амалга оширмоқдалар, ўртача харид ҳажмини оширишга эса унчалик тайёр эмаслар. Эндиги масала ўртача ва йирик иқтисодий битимлар ва молиявий операцияларни рақамли технологиялар орқали амалга оширишни ривожлантиришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган ҳисобланади. Бундан ташқари Иқтисодиёт, Молия, Ахборот технологиялари, Адлия вазирликлари ва бошқа қатор давлат тузилмалари рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун ўзига хос масъулият ва вазифаларга эга.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак рақамли иқтисодиёт га ўтиш менинг фикримча жуда самарали ва фойдали йўл. Фақат юқорида келтирилган муаммолар камчиликлар босқичма-босқич, тизимли, дунё тажрибасидан келиб чиқиб ҳал қилинса, Ўзбекистон ҳам бемалол рақамли иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардан бири бўла олади.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТОВАР МОДДИЙ ЗАҲИРАЛАРИНИ БУХГАЛТЕРИЯДА СЧЁТЛАРИ ВА ХУЖЖАТЛАРИДА АКС ЭТТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ш.Э.Синдаров ТМИ, доцент

Аннотация. Мазкур мақолада таълим муассасаларида товар моддий қийматликларни бухгалтерияда счётлари ва ҳужжатларида акс эттириш хусусиятлари ёритилган бўлиб, унда товар моддий қийматликлар ҳаракати бўйича муомалаларни синтетик ва аналитик счётларда акс эттириш,



хужжатлаштириш ва назоратини ташкил этиш масалалари баён этилган.

Калит сўзлар: Товар моддий қийматликлар, бухгалтерия счёти, хужжатлаштириш, қолдиқ қиймат, тайёр маҳсулот, товар моддий қийматликлар инвентаризацияси, назорат

Маълумки, бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, аҳоли ҳаёт даражаси ва фаровонлигини яхшилашда катта аҳамиятга эгадир. Товар-моддий заҳираларга хизмат қилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлмаган ёки бир операцион цикл мобайнида фойдаланиладиган мол-мулклар, жумладан, қурилиш – таъмирлаш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ёқилғи ва ёнилғилар, озука ва ем-хашак, тара (идиш)лар, кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш буюмлари, ўстирувдаги ва боқувдаги чорва моллари, ўқув, илмий ва бошқа мақсадлар учун материаллар ҳамдалаборатория синовида бўлган, узок вақт фойдаланиладиган материаллар, шартнома асосида бажариладиган илмий-тадқиқот ишлари учун маҳсус асбоб-ускуналар ва бошқалар қиради.

Хизмат муддати ва қийматидан катъий назар қуйидаги инвентар ва хўжалик анжомлари товар моддий қийматликлар таркибига киритилади:

а) маҳсус асбоблар ва мосламалар (муайян буюмларни туркумли ва оммавий ишлаб чиқариш ёки яқка тартибдаги буюртмани тайёрлаш учун мўлжалланган мақсадли вазифадаги асбоблар ва мосламалар);

б) маҳсус ва санитария қийимлари, маҳсус пойабзал; в) кўрпа-тўшаклар;

г) ёзув-чизув анжомлари (калькуляторлар, стол устига қўйиладиган асбоблар ва ҳоказо);

д) ошхона инвентари, шунингдек сочик-дастурхонлар;

е) уларни барпо этиш харажатлари қурилиш-монтаж ишларининг таннархига киритиладиган вақтинчалик (титулда бўлмаган) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар;

ж) фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлган алмаштириладиган ускуналар;

з) овлаш қуроллари (траллар, ёйма тўрлар, тўрлар, анжомлар, матраплар ва ҳоказо). Товар-моддий қийматликлар ташкилотларда қуйидагилар қўринишида бўлиши мумкин:

а) маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш, маъмурий эҳтиёжлар ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган хом ашё ва материаллар, харид қилинадиган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, ёқилғи, идиш ва идишбоп материаллар, эҳтиёт қисмлар, инвентарь ва хўжалик анжомлари, бошқа материаллар қийматликлари;

б) боқувдаги ва яйловдаги ёш ҳайвонлар, катта ёшдаги ҳайвонлар, паррандалар, асалари оилалари, сотиш учун асосий подадан яроксиз қилинган (боқувга қўйилмасдан) катта ёшдаги қорамоллар, сотиш учун четдан қабул қилинган қорамоллар;



в) деталлар, узеллар, буюмларнинг тугалланмаган ишлов берилиши ва йиғилиши ҳамда тугалланмаган технологик жараёнлар кўринишида тугалланмаган ишлаб чиқариш. Ишларни бажарадиган ва хизматлар кўрсатадиган ташкилотларда тугалланмаган ишлаб чиқариш улар бўйича қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари расмийлаштирилмаган ва ташкилот томонидан тегишли даромад тан олинмаган тугалланмаган ишлар (хизматлар)ни бажаришга доир харажатлардан ташкил топади;

г) ташкилотда тайёрланган тайёр маҳсулот (ишлаб чиқариш циклининг пироварднатижаси - сотиш учун мўлжалланган ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда шартномада ёки бошқа ҳужжатларнинг талабларида назарда тутилган техник ва сифат тавсифларига мувофиқ келадиган ишлов берилиши (бутланиши) тугалланган актив);

д) бошқа юридик ёки жисмоний шахслардан харид қилинган (олинган) ва ташкилотнинг одатдаги фаолияти давомида қўшимча ишлов беришсиз сотиш ёки қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар. Бунда узоқ муддатли активлар объектлари (бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, мулкӣ (мутлак) ҳуқуқлар ва бошқалар) кейинчалик сотиш ёки қайта сотиш мақсадида харид қилинган ҳолларда товар бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Товар-моддий қийматликлар таълим муассасасининг бухгалтерия балансига таннархи бўйича киритилади, у харид қиймати (етказиб берувчига тўланадиган суммалар) ва уларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ўз ичига олади. Товар-моддий заҳираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган ва уларнинг таннархига киритиладиган харажатларга қуйидагилар киритилади:

1. Божхона божлари ва йиғимлари;
2. Товар-моддий қийматликларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар суммалари (агар улар қопланмаса);
3. Товар-моддий қийматликлар улар орқали харид қилинган таъминотчи ва воситачи ташкилотларга тўланадиган воситачилик ҳақи;
4. Товар-моддий қийматликларни сертификатлаш ва уларни товар-моддий қийматликларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган техник шартларга мувофиқ синаш бўйича харажатлар;
5. Товар-моддий қийматликларни тайёрлаш ва уларни жорий жойлашиш ёки фойдаланиш жойига етказиб бериш бўйича транспорт-тайёрлов харажатлари. Улар тайёрлаш, юклаш-тушириш ишлари, товар-моддий қийматликларни барча турдаги транспорт билан уларни жорий жойлашиш ёки фойдаланиш жойига ташиш учун тарифларни тўлаш бўйича харажатлар, шу жумладан, товар-моддий қийматликларни ташишда хатарларни суғурталаш бўйича харажатлар;
6. Товар-моддий заҳираларни харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлардан ташкил топади.

Битта умумий суммага харид қилинган барча товар моддий қийматликлардан ҳар бирининг таннархи ушбу суммани алоҳида товар-



моддий қийматликнинг жорий қийматиға мутаносиб равишда таксимлаш йўли билан аникланади. Таълим муассасасига тегишли бўлмаган, вақтинчалик ташкилотда фойдаланишда бўлган шартнома асосида масъул саклашга олинган товар-моддий қийматликлар бухгалтерия ҳисобида балансдан ташқари 02 «Масъул саклашга олинган товар-моддий қийматликлар» счётида шартномада кўрсатилган қиймат бўйича ҳисобга олинади. Товар-моддий захиралар чет эл валютаси ҳисобига сотиб олиннишида сотиб олинаётган материал қийматликларнинг қиймати операция содир этилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича чет эл валютасини сўмга ҳисоблаб ўтказиш йўли билан аникланади. Товар-моддий захиралар қуйидаги ҳолатларда таълим муассасасининг балансидан чиқарилади:

1. Сотиш
 2. Беғараз бериш
 3. Саклаш муддати тугагач яроксизлиги сабабли, жисмонан ва маънан эскирганлиги натижасида тугатиш (йўқ қилиш)
 4. Камомад, йўқотиш ёки шикастланиш (синиш, бўлиниш) аниқланиши.
 5. Бошқа операциялар ва ҳодисалар натижасида
- Материалларни бериш учун қуйидаги асосий ҳужжатлар қўлланилади:
- ❖ 434-сон шаклдаги юк хати;
 - ❖ 299-шаклдаги озиқ-овқат маҳсулотларини бериш учун меню талабнома;
 - ❖ 397-сон шаклдаги берилган озуқа ва ем-хашак қайдномаси;
 - ❖ 410-сон шаклдаги ташкилот эҳтиёжи учун берилган материаллар қайдномаси;
 - ❖ 431-сон шаклдаги лимит-забор картаси материаллар ва ёнилғиларни кундалик беришда қўлланилади.

Товар моддий қийматликлар улар сотиб олинган баҳода (етказиб бериш ва бошқа қўшимча харажатларни ҳам ҳисобга олган ҳолда) ёки улар ҳар хил нархларда сотиб олинган бўлса, ўртача баҳода ҳисобдан ўчирилади. Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрлар доирасида ташкилот раҳбари (ёки унинг ўринбосари) томонидан тасдиқланган юқоридаги тегишли ҳужжатларга мувофиқ ҳисобдан чиқарилиши лозим.

Таълим муассасалари балансидаги ҳар бир товар-моддий бойликларининг бут сакланиши, ўз вақтида ҳисобот шаклларида акс эттириши учун жавобгар шахслар амалдаги норматив –ҳукукий ҳужжатларга мувофиқ раҳбар ва бош ҳисобчи ҳисобланади. Давлат таълим муассасалари йиллик молиявий ҳисоботларини тузишдан олдин, ҳисобот маълумотларининг ишончилиги таъминлаш мақсадида инвентаризация ўтказиши муҳим аҳамиятга эга.

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги ҳамда ишончилиги активлар ва мажбуриятларни мажбурий тарзда инвентаризациядан ўтказиш орқали тасдиқланади. Инвентаризация объектлари, уни ўтказиш тартиби ва муддатлари инвентаризация бўйича



бухгалтерия ҳисоби стандартида белгиланади⁴³⁶. Агар бухгалтерия баланснинг барча моддалари тўлиқ инвентаризация қилинмаган ҳамда бундай инвентаризация натижалари молиявий ҳисоботга киритилмаган бўлса, молиявий ҳисоботдаги маълумотлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

Давлат таълим муассасаларида инвентаризацияни ҳар бир бухгалтерия объектлари бўйича ўтказиш тартиби ва унинг қоидалари 19-сонли “Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш” номли Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) билан тартибга солинади. Инвентаризацияни ўтказишдан мақсад муассаса балансида акс эттирилган барча активлар ва мажбуриятларни ҳисобда тўғри акс эттирилганлигини текшириш, ҳисоб маълумотлари билан солиштириш ҳамда ҳақиқатда мавжудлигини аниқлашдир. Материаллар ҳар кунни бериладиган бўлса, забор картаси 15 кунлик муддатга, вақти-вақти билан бериладиган бўлса, бир ойлик муддатга ёзилади. Қуйидаги жадвалда таълим муассасаларида товар моддий қийматликларни бухгалтерия счётларида акс эттириш жараёни келтирилган(1-жадвал).

⁴³⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни, 16-модда



I-жадвал

Таълим муассасаларида товар моддий қийматликларни
бухгалтерия счётларида акс этириш тартиби

ТОВАР МОДДИЙ ҚИЙМАТЛИКЛАР КИРИМИНИНГ ПРОВОДКАЛАРИ

Муомалалар мазмуни	Дебет	Кредит
Етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси бўйича харид қилиш		
Сотиб олинган товар-моддий қийматликлар қиймати (сотиб олиш нархи, етказиб бериш ва бошқа қўшимча харажатлар)	091	159
Сотиб олинган товар-моддий қийматлик ҳақиқий қиймати бўйича кирим қилиниши	060-069	091
Бегараз келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича)		
Жисмоний ва юридик шахслардан бегараз олинган ТМЗлар қиймати (белгиланган тартибда аниқланган бозор қиймати, етказиб бериш ва бошқа қўшимча харажатлар)	091	262
Бегараз олинган ТМЗ ҳақиқий қиймати бўйича кирим қилиниши	060-069	091
Узоқ муддатли активлар таркибидан моддий қийматликларни ТМЗлар таркибига ўтказиш	060,063, 064,065	010-019
Асосий воситаларнинг тугатилиши мубоабати билан юлғинчилик фойдаланишига яроқли бўлган ТМЗларнинг кирим қилиниши	06, 060, 064, 065	231
Ортиқча (ҳисобга олинмаган) ТМЗларни аниқлаш		
Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан ТМЗларни аниқлаш	060,069	273
Ташкилотнинг ўзида тайёрланиши		
Ташкилотнинг ўзида тайёрланган ТМЗларни ҳақиқий ишлаб чиқариш харажатлари суммасига	091	060-069, 159, 167
Ташкилотнинг ўзида тайёрланган ТМЗларнинг ҳақиқий баҳосида кирим қилиниши	060,069	091
ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР ЧИҚИМИНИНГ ПРОВОДКАЛАРИ		
Муомалалар мазмуни	Дебет	Кредит
Сотини		
Товар-моддий захиралар сотилишини акс этириш (ҳақиқий қийматда)	201, 200	060-069
Товар моддий қийматликлар сотини қиймати	159	201, 200
Бир вақтнинг ўзида 50 фоиз тегингли бюджет даромадларига ҳисобланган сумма	201, 200	160
Бир вақтнинг ўзида ташкилотга тегингли 50 фоизи даромадга ўтказилганда	201, 200	262
Ўнд маблағлари келиб тушганда	112	159
50 фоиз бюджетга ҳисобланган суммаларнинг ўтказиб берилиши	160	112
Товар-моддий захираларнинг сотилишидан қўрилган салбий молиявий натижа (зарар)	261	200
Бегараз бериш		
Товар-моддий қийматликларни бегараз бериш	231	060-069
Сарфланиши, сақлаш муддати тугагач яроқсизлиги сабабли жисмонан ва маънан эскирганлиги натижасида тугатиш (йўқ қилиш)		
Сарфланиши, яроқсиз ҳолатга келиши сабабли товар-моддий захираларни ҳисобдан чиқариш	231	060-069
Камомад, йўқотини ёки шикастланиш (синиш, бўлиниш) аниқланиши		
Инвентаризация натижасида камомад чиққан ТМЗларнинг чиқим қилиниши	231	060-069
Инвентаризация натижасида камомад чиққан бюджет маблағлари ҳисобидан сотиб олинган товар-моддий қийматликлар суммасига (агар моддий жавобгар шахсдан ундирилса)	231	060-069
А) кам чиққан товар-моддий захираларнинг қийматини ҳисобдан чиқарилиши		
Б) айбдор шахсдан ундириладиган сумманинг бюджет даромадларига ҳисобланиши	170	160
В) айбдор шахс томонидан камомад суммасининг тўланиши	120, 112	170
Г) маблағларнинг бюджет даромадларига ўтказиб берилиши	160	120, 112
Моддий жавобгар шахс камомад чиқишида айбдор деб таъин олинган ҳолда (агар ТМЗ бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харид қилинган бўлса): А) кам чиққан ТМЗларнинг қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	170	060-069
Б) агарда, мазкур ТМЗ ларнинг қолдиқ қиймати моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб қўрилган суммадан кам бўлса	170	262
В) агарда, мазкур ТМЗ ларнинг қолдиқ қиймати моддий жавобгар шахс ҳисобига	261	170



Материаллар ва ёнилғи қабул қилиб олувчи ўз забор картасини кўрсатгач, белгиланган лимит доирасида берилади. Лимитда белгиланганидан ортиқча материаллар 434-сон шаклдаги юк хати (талабнома) бўйича берилади. Ёнилгиларни омборхонадан талабнома ёки забор картаси бўйича бериш мумкин бўлмаган ҳолларда сарфланган ёнилгилар қолдиғини ўлчаш далолатномалари бўйича ҳисобдан ўчирилади.

Ўлчаш далолатномалари билан ёнилғининг белгиланган сарфлаш меъёрлари такқосланганда камомад чикса, ташкилот раҳбари ортиқча сарфлаш сабабини аниқлаш тадбирларини, тегишли ҳолларда еса, айбдор шахслардан ундириш чораларини кўради. Йўл варакаси сарфланган барча турдаги ёкилғини ҳисобдан ўчириш учун ишлатилади. Ёкилғи канча сарф бўлган бўлса, шунча ҳисобдан ўчирилади, бунда, сарафланган ёкилғи миқдори автомобилларнинг маркалари учун ўрнатилган тартибда тасдиқланган меъёрлардан ортиқ бўлмаслиги керак.

Таъкидлаш жоизки, таълим муассасаларида товар-моддий захираларнинг мақсадли сарфланиши ва тўғри сақланиши учун инвентаризация комиссияси томонидан амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабалари асосида ивентаризация ўтказишнинг тўғри ташкил этиш ҳамда ўтказиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботлар ахборотлари ишончлилигини таъминлаш учун йиллик ҳисоботдан олдин ёппасига товар-моддий қийматликлар инвентаризациясини ўтказиш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни, 17-модда (2016 йил 13 апрель, ЎРҚ-404-сон);
2. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома. 2010 йил 22 декабрь 2169-сон;
3. 19-сон “Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш” номли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (Ўз.Р. Адлия вазирлиги 1999 йил 2 ноябрь 833-сон билан рўйхатга олинган);
4. “Ҳисоб сиёсати” номли Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (1-сонли БҲМС). Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирли томонидан 2016 йил 27 декабрда 2853– сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган. www.lex.uz;
5. “Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомати ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 6 апрелда 1334-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган. www.lex.uz;
6. С.У.Меҳмонов ва Д.Ю.Убайдуллаев “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби” Дарслик. – Т.: “Сано-стандарт”, 2013;
7. www.lex.uz;
8. www.mf.uz.



МАМЛАКАТИМИЗ БАНК ТИЗИМИНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Г. Каримова ТМИ “Банк иши” кафедраси 1-курс магистри
У. Абдуллаев ТМИ “Банк иши” кафедраси доценти, и.ф.и

2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш жумладан, давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини якунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улуши 60 фоизгача чиқариш макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарурий шартларидан бири сифатида белгиланган.⁴³⁷ Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони билан тасдиқланган “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида банк ишининг замонавий стандартларини, ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш, банклардаги давлат акциялари пакетини зарур тажриба ва билимга эга бўлган инвесторларга танлов асосида сотиш, шунингдек, давлат улуши мавжуд тижорат банклари ва корхоналарни бир вақтнинг ўзида ислоҳ қилиш орқали банк секторида давлатнинг улушини камайтириш миллий банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида қайд этилган⁴³⁸. Бу эса, тижорат банклари фаолиятини замонавий рақамли технологиялар асосида ривожлантириш заруриятини юзага келтиради.

Илғор хориж тажрибаси кўрсатадики, рақамли технологиялардан кенг қўламда фойдаланиш тижорат банкларининг актив ва пассив операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган чиқимларни камайтириш имконини беради. Бу эса, банкларнинг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Жаҳон банк амалиётида 1995 йилдан бошлаб хизмат кўрсатишнинг масофавий тизимларидан (Банк-мижоз, Интернет-банкнинг, Мобайл-банкнинг) фойдаланиш йўли билан бизнес жараёнларни оптималлаштиришни йўлга қўйилиши тижорат банклари томонидан миқдорларга кўрсатиладиган хизматлар баҳоларини пасайтириш ва операцияларнинг тезлигини ошириш имконини берди⁴³⁹.

⁴³⁷ 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони. www.lex.uz.

⁴³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚХММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

⁴³⁹ Чен Ричард Инсик, Петров А.Я., Торбеев Е.И., Лямарев П.В. Цифровые технологии в банковской сфере. Режим доступа: <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovye-technologii-v-bankovskoy-sfererossiyskiy-i-mirovoy-opyt>.



<i>Raxmatov A. Isroilov U.</i>	О'ЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ МОЛИЯСИ ВА BANKCHILIGI FAOLIYATINI TASHKIL ETISHNING AHAMIYATI VA ZARURIYATI	773
<i>Мақсудов Б.А.</i>	ТИЖОРAT БАНКЛАРИДА МУАММОЛИ АКТИВЛАРНИ БОШҚАРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР	776
<i>Аминова Н.У.</i>	ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	779
<i>Aktamov B.</i>	KO'CHMAS MULKNI BAHOLASH XIZMATLARI BOZORI INFRATUZILMASINI RIVOJLANTIRISH.	781
<i>Xodjaraxmanova N.B Izbosarov B.B</i>	MAMLAKATDA KAMBAG'ALLIK KO'RSATKICHINI KAMA YTIRISHDA XORIJY DAVLATLAR TAJRIBASI	783
<i>Amatullaeva Yu, Muxamedov F.T</i>	IMPORTANT ASPECTS OF FINANCIAL MANAGEMENT	785
<i>Абдурахмонов И.Х.</i>	СУҒУРТА СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР	787
<i>Атабаев Ш.Х.</i>	ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ БАНКОВСКИХ РИСКОВ	789
<i>Ахадов Б.А.</i>	СУҒУРТА: БАНК РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШ УСУЛИ СИФАТИДА	791
<i>Мирабзалов М.М.</i>	МИКРОСУҒУРТАНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИАТИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ	794
<i>Назаров Р.Ф.</i>	ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ИННОВАЦИИ ПРИ СТРАХОВАНИЕ ТРАНСПОРТНЫХ СРЕДСТВ	797
<i>Сагдиев Р.С.</i>	ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИ СУҒУРТАЛАШ: ТАЖРИБА ВА ИСТИҚБОЛ	799
<i>Холматов С.Н.</i>	ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ В ИПОТЕЧНОМ СТРАХОВАНИЕ	801
<i>Ҳамраева Ф.Ш.</i>	ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР ШАРОИТИДА МАЖБУРИЙ СУҒУРТАНИНГ ЎРНИ	804
<i>Азимова Ш.С.</i>	АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ НЕОБХОДИМОСТИ ЦИФРОВИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	807
<i>Азимова Ш.С. Ахмедова У.Х.</i>	ВОПРОСЫ СНИЖЕНИЯ ДОЛИ ГОСУДАРСТВА В БАНКОВСКОМ СЕКТОРЕ, ТРАНСФОРМАЦИИ И ПРИВАТИЗАЦИИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ	814



<i>Jumaniyozov I.T.</i>	SOVEREIGN WEALTH FUNDS AND LONG-TERM DEVELOPMENT FINANCE	816
<i>Мамадалиев Қ.</i>	ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ИСЛОҲОТЛАР ШАРОИТИДА АГРОКЛАСТЕРЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ЗАРУРЛИГИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МОЛИЯВИЙ АСОСЛАРИ	819
<i>Ҳамраева Ф.Ш.</i>	МАЖБУРИЙ СУҒУРТАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	823
<i>Аминова Н.У.</i>	КОНТРАКТ МУШАРАКА КАК СПОСОБ ИСЛАМСКОГО ФИНАНСИРОВАНИЯ	827
<i>Убайдуллаева И.Ғ.</i>	АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЛИКВИДНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ	830



TASHKENT INSTITUTE
OF FINANCE



DEPARTMENT OF
BANKING

**“ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА БАНК ВА
МОЛИЯ ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ”**

мавзусида тайёрланган илмий тезицлар
тўплами

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

”